Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 202 (4600).
5 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

Эртага — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Республикамиздаги янги тармоқлардан бири бўлган нефть ва газ саноати йилдан-йилга гуркираб ривожланмоқда. Бундан икки йил муқаддам янги «Узбекгазмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган эди. Унинг таркибига пойтахтдаги газ аппаратуралари заводи бош корхона сифатида Ангрен шаҳридаги «Подземгаз» станцияси ва эксперименталь-механика заводи шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Узгазтехника»нинг махсус конструкторлик технологик бюроси киритилди.

Бирлашма халқ хўжалигини газлаштириш учун заруб бўлган газ аппаратлари, шунингдек газ қазиб чиқариш, газни қайта ишлаш ва ташиш учун турли мосламалар ишлаб чиқаради. Бундан ташқари бирлашманинг заводларида катта миқдорда ностандарт асбоб-ускуналар, нефтни қайта ишлаш мосламалари учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа буюмлар ҳам тайёрланади. «Подземная» станциясида кўмирни ер ости газлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади. Ишлаб чиқарилаётган газ Ангрен ГРЭСига юборилади.

Бирлашма коллективи план-топшириқларини муваффақиятли бажариб келяпти. Масалан, шу йилнинг саккиз ойлик давлат плани 2,8 процентга ошириб бажарилди. 7496 минг сўмлик маҳсулот ёки пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган барча маҳсулот меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига олинди. «Подземная» станциясида тўрт хил янги буюм ишлаб чиқаришга ўзлаштирилди. Асосан булар мураккаб буюмлар бўлиб, магистрал газ қувурларида алоқани амалга ошириш, автомат-газ бўлашгич станциялари учун газ киздириб беришга мўлжалланган буюмлардан иборат.

Фақат шу йилнинг январь-август ойларида пландан ташқари 11 минг сўмликдан зиёд газ плиталари, мингтага яқин печ горелкалари, «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ва СССР газ саноати министрлиги корхоналари учун зарур бўлган ностандарт мосламалар кўплаб миқдорда тайёрлаб берилди.

«Узбекгазмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси рационализаторлари жами иқтисодий, самараси 30 минг сўмлик қимматли таклифларни жорий этдилар.

Янги техника ва технологияни жорий этиш плани ҳам муваффақиятли бажариляпти. Бош корхонада АКГВ —20 типидаги янги ишлаш козонларини ишлаб чиқаришга ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат шароитини яхшилаш бўйича бирлашмада корхонани реконструкция қилиш ишлари амалга ошириляпти. Шу йилнинг октябрь ойида «Подземная» станциясида автомат-газ бўлиш станциялари ишлаб чиқариш бўйича янги цех ишга туширилади, блок-комплект қурилмаларини тайёрлаш бўйича қурилаётган цехнинг иккинчи навбати лойиҳасини тайёрлаш ҳам бошланди. Бош корхонани реконструкция қилиш мўлжалланди ва бунга 6 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Бирлашма коллективи ўзининг анъанавий байрами— Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари кунини юксак меҳнат кўтаринкилиги билан қарши оляпти. КПСС XXVI съезди қарорларидан илҳомланган корхонамиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун мўлжалланган планни муддатидан илгари муваффақиятли адо этиш учун ҳаракат қиляпти.

Мусобақада бош корхонанинг ишлаб чиқариш илғорлари пешқадамлик киляпти. Жумладан, кирқувчи Ренат Ишметов, слесарь-йиғувчи Мария Садчикова, пайвандчи Собир Исаев, токарь Василий Трафимушкин ва бошқалар бугунги кунда ноябрь ойи календари бўйича меҳнат қилишяпти. Улар илғор иш усулларини пухта эгаллаб олишиб, ўзларининг бой тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатяптилар. Мусобақа илғорларининг мақсади йиллик планни муддатидан илгари, Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача адо этишдир.

Х. МАНСУРОВ.
«Узбекгазмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси директори.

Ранса Височина билан Александра Набировалар Тошкент экскаватор заводида темирчи-штамповначч бўлиб ишлашади. Иккала ишчи бир-бири би лан ўзаро мусобақадош. Улар ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлашди. Шу кунлар да смена топшириқларинч ортиги билан бажараётган нкки мусобақадош ишчи ўн биринчи беш йилликни ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашяпти.
Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 4 сентябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиум ва Миллатлар Совети фан ва техника доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. КПСС XXVI съезди белгилаб берган озиқ-овқат программасини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат саноати иллмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Комиссиялар озиқ-овқат программасини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат саноати илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари иши самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилди.

◆ Сан-Томе ва Принсипи ороллари озодлиги ҳаракати сиёсий бюроси ижроия комитетининг секретари Томе Диаш да Кошта бошчилигидаги шу ҳаракат партия ходимлари делегацияси Тошкентга келди. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Истеъмол буюмларига — кенг йўл

Тўқсон беш хил либос

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида корхонада тайёрланган аъло сифатли маҳсулотлар хили 95 тага етди.

Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғи корхона умумий маҳсулотининг 36 процентини ташкил этмоқда.

Яқинда тикув бирлашмасида 4 хил моделда янги кийим-кечаклар тайёрлаш ўзлаштирилди. Булар замонавий кримплен ва венгер трикотинидан тикилган бўлиб, фахрли белги билан харидорларга етказиб берилмоқда.

Г. ВОҲИДОВА.

Болалар хурсанд бўлади

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хиллари кундан-кунга бойиб бормоқда. Мамлакатимизнинг 800 дан ортиқ йирик савдо базаси фабрикага буюртма бермоқда.

Корхона маркази тушириган жажжи буюмлар беполён Ватанимизнинг турли бурчакларига бориб, ўн мингдаб фарзандларни хурсанд қилмоқда. Ранг-баранг хилдаги ўйинчоқларнинг салмоқли қисмига фахрли белги босилмоқда.

БУГУН корхона ўйинчоқларининг етти хилига давлат Сифат белгиси берилди.

Тошкентнинг якшанба куни

◆ МУЗЕЙГА МАРҲАМАТ

2000 йилликка бағишлаб

Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишлаб, пойтахтимиздаги Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейининг коллективи кўпгина қизиқарли тадбирлар ўтказишни режалаган. Навқирон ва қадимий Тошкентнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан таништириш мақсадида бу ерда янги кинолекторий ташкил этилган.

Унда шаҳримиз ўтмишини акс эттирувчи киноленталар, сурат ва экспонатлар намойиш қилинаяпти. Масалан, Тошкент зилзиласи, халқлар дўстлигига бағишланган фильмни томошабинлар зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Музейда француз туристлари билан учрашув ўтказишди. Уларга республикамиз пойтахтининг бугунги куни ва келажаги ҳақида хикоя қилувчи фильм уч тилда намойиш этилди. Шунингдек, бу ерда ёшларнинг ветеранлар билан учрашувлари, пионерликка қабул қилиш, комсомол билети топшириш тантанали маросимларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

◆ ВИСТАВКА ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Кичкинтойлар учун

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида «Узбекфильм» киностудиясининг қошидаги мультфильмлар ижодий уюшмасида сўнгги йилларда суратга олинган янги мультфильм ва кўғирчоқ фильмлари намойиш этиляпти.

Ёш томошабиннар эътиборини ўзига тортган бу қизиқарли тадбирда мультфильм ижодкорлари ҳам қатнашишяпти. Улар ҳар бир фильмнинг қанчалик кўп меҳнат талаб қилиши, машаққатли ижодий изланишлар ҳақида сўзлаб бердилар. Масалан, биргина ўн минутлик мультипликацион фильмни суратга олишга 40 мингта эскиз ва 15 мингга яқин суратлар ишлатиш керак бўлади. Бу тадбир кичкинтойларда катта қизиқиш уйғотади.

Улар учун дам олиш зонасида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Аттракционлар ишлаб турибди. Арғимчоқ, чархпалаклар, автомобиллар, қайиқ станцияси кичкинтойлар хизматида.

◆ БОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

Дўстлик кечаси

Тельман номли маданият ва истироҳат боғи дам олиш кунлари кўпгина қизиқарли тадбирлар ўтказишни мўлжаллаяпти. Масалан, Вьетнам Социалистик Республикасининг мустақиллик кунига бағишлаб дўстлик кечаси ўтказилади. Унда совет ва Вьетнам ёшлари актив иштирок этадилар, концертлар ташкил этилади.

Оммавий сайллар

Қуйбишев райони мактаблари ўқувчиларининг оммавий район сайллари ўтказилади. Унда болалар учун ҳар хил қизиқарли томошалар, ўйинлар уюштирилади. Болалар ҳаваскорлик ансамбллари қатнашчилари, Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг «Чиннигул» эстрада ансамбли меҳмонларга мароқли концертлар қўйиб беришади.

Меҳнат байрами

Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишлаб Тельман номли маданият ва истироҳат боғида «Узбекистон — газ ва нефть ўлкаси» тематик кечаси бўлади. Кеча охирида симфоник оркестр ва бошқа ансамбллар иштирокида концерт қўйиб берилади.

Табиат муҳофазаси ҳақида

Қейинги вақтларда атроф-муҳит, табиатни муҳофаза этишга катта эътибор бериляпти. Бу тадбирларга пойтахтимиздаги табиат музейининг ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Киров номли маданият ва истироҳат боғида улар ташкил этган виставка табиатни муҳофаза этишга бағишланади. Бундан олдининг пайдо бўлишидан тортиб, шу кунларда она-Ватанни гуллаб-яшнатиш, шаҳримизнинг 2 минг йиллик юбилейига уни янада кўкаламзорлаштириш, чиройнга чирой қўшиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида хикоя қилинади. Виставкада илмий ходимлар лекция ўқийдилар, шаҳримиз ўтмишига қизиқарли экскурсиялар уюштирилади.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида.

Нон — бебаҳо бойлигимиз

Тўжамоатчилик назорати

ЭНГ АЗИЗ ТАОМ

Инсон ҳаётида нондан кўп истеъмол этиладиган лаззатли таом борми? Йўқ десак, ҳато бўлмайди. Чунки ҳеч қандай оқат нонсиз организмга тўқлик бера олмайди, лаззат бахш этмайди. Нон эса ҳамиша иштаҳа очади.

Ёш гўдак учун ҳам биринчи овқат нондир. Кичкинтой боланинг тили шу сўз билан чиқади: «Нанна, нанна» деб тамшанади у. Демак, нон инсон учун шундай азиз, тансиқ таомки, уни эъзозлаш, қадрлаш, исроф қилмаслик барчанинг бурчидир.

Мен ўзимнинг 82 йиллик умримда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Асримизнинг йигирманчи йилларидаги даҳшатли очарчилик йиллари ёдимда. Кўз ўнгимдан ҳамон нон тиланган гўдаклар, «дада бугун нон олиб келасиз-а» деб оталарини зорланиб ишга кузатган болалар кетмайди. Улуғ Ватан уруши йилларидаги қийинчиликлар ҳам унутилгани йўқ. Шу боисдан биз кексалар «нонинг ушоғи ҳам нон» деймиз. Ёши улуғлар ерда ётган нон ушоғини кўтариб, кўзларига суртиб, покиза жойга олиб қўйишса, баъзи ёшларга эриш туюлади. Ёшлар нонни бундай эъзозлаётган кексалардан ибрат олишлари керак.

Сир эмас, баъзан ана шу муқаддас нарсани увол қилаётганларни ҳам учратамиз. Яқинда маҳалламиздаги бир тўйдан чиқиб кетаётиб ерда ётган бир бурда нонга кўзим тушди. Энди уни олмоқчи бўлган эдим, бошқа киши илдамроқ келиб, уни оёқ учида столтагига суриб қўйди. У ўз кўнглида тўғри иш қилдим деб ўйлагандир, лекин менинг кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ахир, бу нонтепкиликнинг энг оддий кўринишимасмми!? Кўчалардаги ахлат қутиларига қотган нон бўлаклари, овқат қолдиқларини тўкаётган кишиларнинг қилмишини ҳам ҳулди шундай баҳолаш мумкин. Аксе ҳолда улар нонни меъёрида харид килган бўлишарди. Ортиб колган тақдирда эса бунинг учун алоҳида қўйилган идишга тўккан бўлишар эди.

«Тошкент оқшоми» газетасида «Нон — бебаҳо бойлигимиз» мақоласи эълон қилинганини айни муддао бўлди. Дон экиб галла етиштириш, тегирмонларда тортиб ун қилиш, кайноқ тандир ва цехларда пишириш осон эмаслигини ҳамма билгани яхши. Чиндан ҳам нон ўз-ўзидан пайдо бўлган оддий нарса эмас, балки бебаҳо бойлигимиз, ризқ-рўзимиз. Уни кадрлайлик, тежаб-тергаб ишлатайлик, нонни исроф қилувчиларга муросасиз бўлайлик!

А. АЛИХЎЖАЕВ.
республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Ташаббусга қўшилиб

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 150-трестига қарашли 9-бошқармасининг В. Миллер бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси бирлашма бўйича биринчилар қаторида ўн бешлар ташаббусига қўшилган коллективлардан биридир. Ушбу бригада икки беш йиллик планни бир беш йилликда бажариш учун ғайрат кўрсатмоқда.

Айни пайтда бригада қурувчилари 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бир пайтнинг ўзида қурувчилар иккита объектда иш олиб боришмоқда. Қурувчилар шаҳримизнинг Новоузбекистанская кўчасида 192 квартирали тўққиз қаватли турар-жой биносини куни кеча фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Шу билан бирга ушбу бригада аъзолари «Марказ-26» кварталидаги 1156 ўринли янги мактаб қурилишида ҳам яқинден ёрдам бердилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

ШАҲРИМ — ФАҲРИМ

Кўча равонлашяпти

Чилонзордаги Ҳ. Турсунқулов кўчаси эндиликда шаҳримиздаги магистрал кўчаларидан бири бўлиб қолади. Ҳозир ана шу кўчани комплекс реконстукция қилиш тезкорлик билан олиб борилмоқда.

«Гордорстройремонт трестининг 4-ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари бу ерда 300 минг сўмлик иш бажаришлари керак. Бошқарманинг С. Умаров, А. Турдиқулов бошчилигидаги бригадалари ёраканли меҳнат қилиб, ҳозиргача 120 минг сўмлик ободонлаштириш ишларини бажаришди. Йўлсозлар ана шу объектдаги ишларни 7 ноябрь байрамигача тугаллаш мажбуриятини олишган.

Бошқарманинг бошқа бригадалари ҳам кўча ва йўлкаларни қиш мавсуми олдидан тартибга келтириш ишларини қизғин олиб боришяпти. Жумладан, Гоголь кўчасида, В. И. Ленин номли болалар паркида ободонлаштириш ишлари нихоясига етказилди. Ҳосият кўчасини тартибга келтириш, Аҳмад Дониш кўчасини қуриш давом эттирилятти.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ В. К. ҚОБУЛОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кибернетикани ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулович **Қобулов Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил 4 сентябрь.

◆ «УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА

«БЎЙСУНМАС»

Режиссёр Анатолий Қобулов суратга олаётган янги картина «Бўйсунмас» деб аталади. Жасоратга, қаҳрамонликка чорловчи бу картина воқеалари революцияга қадар Қорақалпоқ элида бўлиб ўтади. Қорақалпоқ қизи Жумагул турмушдаги ҳақсизликнинг, зулматнинг йўқолиши, янги, бахтиёр турмушнинг бошланишини орзу қилади ва ўзи ҳам революционерлар сафига қўшилиб, ўз элининг озодлиги ва бахти учун курашади.

Фильмда Жумагул образини талантли актриса Тамара Шокирова яратган. Шунингдек, фильмда Наби Раҳимов, Қувват Абдуранмов, Бахтиёр Қосимов, Карим Мирходиев каби актёрлар ҳам суратга тушишган.

Г. ХУДОЙНАЗАРОВ.

Халқаро мавзуда сухбат

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Қардош социалистик мамлакатлар марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг барқарор принциплари асосида социалистик ривожланиш, бирлик ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлидан комил ишонч билан олга бормоқдалар. Улар ўзаро келишиб олинган ва тинчликни таъминлаш ҳамда қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган ташқи сиёсий йўлни доим ўтказиб келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Чехословакия, Венгрия, Руминия, ГДР, Болгария, Монголия, Польша партия-давлат раҳбарлари билан июль-август ойларида Қримда ўтказилган учрашувлари социалистик давлатларнинг бирлиги, уларнинг ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган ана шу йўлга садоқатни тасдиклаган янги далил бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Қримдаги учрашувларнинг якунларини кўриб чиқди ва ўрток Л. И. Брежневнинг фаолиятини тўла-тўкис маъкуллади.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва партияларининг раҳбарлари Қримда КПССнинг яқинда бўлиб ўтган XXVI съезди ва қардош партиялар анжуманларининг қарорлари рухида, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини тобора амалга ошириш асосида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга доир кўп масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ана шу комплекс программа қабул қилинган куннинг ўн йиллигини яқинда нишонладилар. Комплекс программанинг ўн йиллиги қардош партияларнинг ҳаётида муҳим босқич, энг муҳим хўжалик проблемаларини бамаслаҳат ҳал этиш соҳасида тажриба тўплаш даври бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий юксалиш суръатлари жиҳатидан капиталистик давлатлардан қарийб икки баравар ўзиб кетди.

Қримдаги дўстона учрашувларда таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда социалистик мамлакатларнинг кўпчилиги экономикани интенсивлаш вазифасини илгари сурмоқда. Ана шу муҳим вазифани миллий куч-ғайратни сарф қилиш ҳисобига, шунингдек моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ихтисослаштириш ва кооперативлаш программаларини амалга ошириш йўли билан ҳал этилмоқда. Совет Иттифоқи Европада социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар билан ана шу программаларни имзолаган эди. Қримда халқаро социалистик меҳнат тақсимоти имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиш халқ хўжалигини интенсивлашнинг муҳим резерви эканлиги уқтириб ўтилди.

Қримдаги учрашув ва музокараларда қайд этиб ўтилганидек, масалан, СССР ва ЧССР атом машинасозлигида, қазиб чиқарувчи саноат, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришда кооперацияни ривожлантириш соҳасида яхши заминларга эгадир. Микроэлектроника ва роботсозликни ривожлантириш —СССР билан ГДР ўртасида ихтисослаштириш ва кооперативлашнинг муҳим соҳасидир. Бундан ташқари, ГДР Совет Иттифоқининг енгил ва озиқ-овқат саноатини реконструкциялашда, шунингдек СССР территориясида газ қувурлари ва бошқа объектларни қуришда қатнашмоқда.

СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида автомобилсозлик, шунингдек Венгрия хом ашёси ва совет энергетикаси негизида алюминий ишлаб чиқариш соҳасида кооперация мустаҳкам йўлга қўйилди. Совет Иттифоқи металлургияни ривожлантиришда Болгарияга ёрдам бермоқда, Болгария Халқ Республикаси эса СССРга тобора кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беряпти. СССР территориясида газ қувурларини, Жанубий Украина атом электр станциясини, темир рудасини қазиб чиқариш ва бошқа объектларни қуришда Руминиянинг қатнашаётганлиги унинг Совет Иттифоқидан қўшимча миқдорда газ, электр энергия ва бошқа маҳсулотларни олиши учун имконият туғдиради.

Шу тариқа, Қримда келишиб олинган тадбирлар ва уларнинг амалга оширилиши социалистик мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, хўжалик механизми иш сифатини оширишга ижобий таъсир ўтказади.

Крим музокараларида социалистик мамлакатларнинг тез ривожланиб бориши бир қанча сабабларга кўра қийинчиликларга дуч келаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Халқ Польшасида кескин кризисли ҳолатлар рўй берди. Социализмнинг ички ва ташқи душманлари бу мамлакатда вазиятнинг барқарор бўлишига йўл қўймаслик, Польшада социалистик тараққиёт асосларига путур етказишга уринмоқдалар.

Бу йил Қримдаги учрашувлар АҚШдаги ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатлардаги милитаристик доираларнинг айби билан халқаро вазият мушкуллашган бир даврда ўтди. НАТОнинг ўртача олиск ликка мўлжалланган Америка ракета-ядро қуролини ишлаб чиқариш ва Ғарбий Европада жойлаштириш ҳақидаги, Америка маъмуриятининг нейтрон бомба ишлаб чиқариш тўғрисидаги мудхиш қарори ҳамда империалистик доираларнинг кескинликни кучайтириш йўлини акс эттирувчи бошқа омиллар буни исбот этади.

Бундай шароитда КПСС XXVI съезди 80-йиллар учун белгиланган Тинчлик программаси жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қардош партиялар ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг раҳбарлари Қримда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини қадрлаётган барча кучлар билан музокаралар олиб бориш ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

И. МАСЛЕННИКОВ,
(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

• *Идеология ва ҳаёт*

Лекция пропагандасининг таъсирчанлиги учун

Партиямиз XXVI съездида бутун идеология ишини янада жонли, қизиқарли ва тушунарли қилиб олиб бориш масаласи қўйилди. Ҳатто идеология ишининг айрим соҳаларини қайта қуриш ҳақида гап борди. Пойтахт идеология активистлари съезднинг ана шу кўрсатмасидан келиб чиқиб, ўз ишларини янги поғонага кўтаришга интилмоқдалар.

Қуйбишев район «Билим» жамияти ташкилотининг масъул секретари Г. В. ВОРОБЬЕВА махсус мухбиримиз билан суҳбатда идеология ишининг муҳим таркибий қисми бўлган лекция пропагандасини съезд талаблари даражасига кўтариш ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Суҳбатимизни бевосита съездда, ундан олдинроқ идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида ва республика семинар-кенгашида қўйилган вазифалардан бошласак.

Маълумки, энг асосий проблема — бу ишга ижодий ёндошиш, ижодий идрок қилишдир. Ҳаммага маълум бўлган гапларни шунчаки юзаки такрорлайвериш, расмий услуб ёки қироатхонилик тарбиявий ишда фойда ўрнига зарар келтиради. Чунки, бу одамларнинг онги ва ҳис-туйғусига таъсирни камайтиради. Партиямизнинг бу борада кўрсатган йўл-йўриғи асосида қандай ишлар амалга оширилляпти?

— Ташкилотимиз коллективи партиямиз съезддан сўнг бу масала билан жиддий шуғулланяпти. Ҳақиқатан ҳам пропагандада айниқса, лекция пропагандасида учраб турадиган дабдабавозлик, сафсатавозлик, ваъзанасиҳатга мутлақо чек қўйишга интилямиз. Лекция пропагандасининг конкретлиги, ишчанлиги, унинг ҳаёт билан, меҳнат коллективларининг, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ олиб борилишини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Районимизда 70 та бошланғич ташкилот бор. Уларда 2 минг 800 га яқин идеология активисти иш олиб боряпти. Лекторлар жойларда, бевосита меҳнат коллективлари ҳузурида, уларнинг олдига қўйилган конкрет вазифалар билан чуқур танишган ҳолда лекциялар ўқишяпти. Айниқса съездан кейин бу иш жонлантириб юборилди. Биз олий ўқув юртлари ўқитувчилари, олимлар, етук мутахассислар ҳисобига лекторлар сафини кенгайтиришга эътиборни қаратяпмиз. Масалан съездан сўнг лекция ишига 300 дан зиёд олим, мутахассис, ўқитувчилар жалб этилди...

— Ҳар қандай мукаммал техника воситаси ҳам лекторнинг жонли сўзи ўрнини босолмайди, албатта. Негаки у одамлар билан иш кўради. Лекторлар аудитория фикр-ўйлари, улар олдида турган проблемалар билан қизиқяпятми?

— Бу — лекция пропагандасининг бош талабларидан биридир. Бу лекторлик маҳоратига бориб тақалади! «Билим» жамияти ташкилоти шуни ҳисобга олиб, лекторларни танлаш, уларни тайёрлаш, лекторлик маҳоратини такомиллаштириш масаласига эътибор беряпти. Масалан, район партия комитети қошида лекторлик маҳорати мактаби ишлаб турибди. Районимиздаги мавжуд олий ўқув юртлари ҳузурида ёш лекторлар мактаблари бор. Халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар билан семинар машғулотлари мунтазам ўтказиляпти. Шаҳар марксизм-ленинизм университетида ҳар йили районимиздан 50 дан зиёд киши таълим оляпти.

Съезд қарорлари ва ғоялари юзасидан лекциялар тематикаси ишлаб чиқилди. Ҳатто қайси мавзуларда қандай лекторлар сўзга чиқишигача белгилаб берилган. Биз лекторларнинг корхоналарга коллектив сўрғатда чиқиб, лекция ўқишларини кенг тажриба қилиб кўряпмиз. Съезддан сўнг «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ заводи, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплаб корхона, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда лекторларнинг коллектив чиқишлари ушиштирилди. Фақат съезд материаллари юзасидан қисқа вақт ичида 170 дан зиёд лекторий ва лекциялар туркуми уюштирилди.

— Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу сўз билан иш бирлигини таъминлаш, иш воситаси билан агитация қилиш, инсоннинг онги ва кайфиятига аввало шахсий намуна билан таъсир этиш ҳақида. Бу борада нималар қилляпти?

— Жуда ўринли фикр. Бу айниқса агитатор, сиёсий ахборотчи, лекторларга тегишли гап. Айтайлик, бирон корхонада тежамкорлик ҳақида жон куйдириб лекция ўқилса-ла, корхона ҳовлисида металлар занг босиб сочилиб ётган бўлса, бу одамларда бошқача кайфият туғдиради. Ёки коллектив ўртасида обрў қозонолмаган кишининг улар олдида чиқиб ваъзхонлик қилиши ҳам сўзнинг таъсир кучини кетказиб қўяди. Шунинг учун биз лекция ишига энг обрўли, аввало ижодий меҳнати билан кўпчиликка танилган, обрў-эътибор қозонган кишилардан фойдаланямиз. Бу борада айниқса съезд делегатлари сўзларининг таъсир кучи бениҳоя катта бўлди. Трактор заводининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати М. Туробов, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегатлари Л. Шевченко, А. Федюшина ва бошқа кўплаб олдий меҳнатчиларнинг қалб сўзларини кишилар бажонидил тинглашди.

Ёки ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида жуда яхши лекциялар уюштираётган полковник С. Коротковни олиб кўрайлик. У лекция пропагандасида бой тажриба ортирган. Ўқилаётган ҳар бир лекция ғоявий аниқлиги, мазмунининг чуқурлиги ва қизиқарлиги билан ажралиб туради. Партиямиз XXVI съезди ўйган муҳим талаблардан бири ҳам ана шу. Шу кунларда илмий-методик советлар лекция пропагандасининг таъсирчанлигини ошириш учун муттасил изланяпти. Бундай методик советлардан ташкилотимиз қошида еттитаси тузилган. Уларнинг ичида 80 га яқин таниқли олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари билимнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар актив қатнашяпти.

Чунончи, «Средазкабел» ишлаб чиқариш бирлашмасида иш олиб бораётган Н. Валиева, Тошкент олий партия мактабидан С. Насриддинова ва бошқа кўплаб моҳир лекторлар, идеология активистлари иш учун жон куйдирадилар, тажрибаси ўрганишга кўрсатадилар.

Партиямиз съезди материаллари асосида «Биз Ленин ишига ва партиямизга содиқмиз» мавзуида назарий конференциялар ўтказилди. Янги ўқув йилида районимизда съезд материаллари юзасидан яна иккита халқ университети очиш мўлжалланяпти. Бошланғич ташкилотлар ва илмий-методик советлар раислари семинар-кенгашларида ҳам лекция пропагандасини активлаштиришга катта ёрдам беряпти.

— Ёшлар ўртасида лекция пропагандасига эътибор қандай? Кейинги вақтларда бунга алоҳида эътибор берилаётганидан хабарингиз бордир?

— Ҳа дарвоқе, партиямиз Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ёшлар ўртасида лекция ишларини кучайтиришга, алоҳида эътибор берилган. Биз ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, кўпгина тадбирларни амалга оширямиз. Негаки, ёш авлодни коммунистик идеаллар руҳида, халқимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш янги инсонни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Съезднинг йигирмадан зиёд делегатлари билан учрашувда, олимларнинг коллектив суратда лекция ўқишдарида бу масалага эътибор кучайтирилди. Бизда лекторлардан Б. Фофанов, Ф. Ким, Т. Назарова сингари лекторлар айниқса ёшлар ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонишган.

Бизнинг олдимизда ҳали катта вазифалар турибди. Айниқса район территориясида жойлашган институт, техникум, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларда лекция ишларини янада кучайтириш, уларнинг барчасида жамиятнинг бошланғич ташкилотларини тузишимиз лозим. Бу борада айниқса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти бошланғич ташкилотининг катта имкониятлари бор. Бу ерда 230 га яқин малакали лекторлар бор.

Қисқаси, съезд қарорлари ва материалларини пропаганда қилиш ва тушунтириш узоқ муддатга мўлжалланган, катта қунт ва меҳнатни талаб этадиган ижодий ишдир. Биз ҳар бир цех, участка меҳнат коллективида ҳар ойда камида бир-икки мартадан лекция ўқиш, бунинг учун эса доимий ишловчи лекторийлар, туркум лекциялар, халқ университетлари ва лекция пропагандасининг бошқа янги формаларидан тўлароқ фойдаланишни кўзда тутяпмиз.

Суҳбатни
Ҳ. ИКРОМОВ
олиб борди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Холматова Меҳриниса Алиевна — тез медицина ёрдами касалхонасининг врачи.

Шабалина Рахиль Бенциановна—«Ташсельмаш» заводи медицина-санитария қисмининг врачи.

Шепцова Мария Васильевна—«ТашСовет» номли физиотерапия касалхонасининг бош медицина ҳамшираси.

Йўлдошев Сайран Жалилович—Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқодиров Абдугани—1-болалар сил касаллиги санаторийсининг медицина ходими.

Акбарова Солиҳа — И. Охунбобоев номидаги республика медицина билим юртининг ўқитувчиси.

Алимова Муборак Жалиловна—1-поликлиника врачи.

Анисимова Римма Кировна — 1-республика психиатрия касалхонасининг бўлим мудири.

Ориржонова Тамара Ориржоновна—медицина кўригидан ўтиш шаҳар поликлиникасининг бош врачи.

Асқаров Акбар—Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг асистенти.

Балицкая Берта Давидовна—«Главташкентстрой» медицина-санитария қисмининг бош медицина ҳамшираси.

Болтаев Камол—Тошкент минерал сувлар касалхонаси физиотерапия бўлими мудири.

Баҳодирова Иноят Иногомовна—26-поликлиника медицина ҳамшираси.

Бережлева Любовь Федоровна—17-поликлиника врачи.

Березовская Раиса Александровна—Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ўқитувчиси.

Габбасова Раиса Галимшеевна—Тошкент медицина институтининг асистенти.

Ғафурова Мавжуда—1-касалхонанинг катта медицина ҳамшираси.

Глиндеман Валентина Петровна—Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг лаборатория раҳбари.

Гордеев Валентин Иванович— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг катта референти.

Горина Ольга Васильевна —бош суд-медицина экспертиза бюросининг врачи.

Гребенников Валентин Сергеевич — Тошкент 20-гидромелиорация техникуми соғлиқни сақлаш пунктининг мудири.

Гулямова Холида Юсуповна—Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги касалхонасининг хўжалик ишлари ҳамшираси.

Жабборов Норойгит Қуронович — Тошкент медицина институтининг клиника врачи.

Ермакова Екатерина Феодоровна — республика электротехника медицина техникумининг инспектори.

Жужгина Любовь Александровна — «Таштекстильмаш» заводи медицина-санитария қисмининг медицина ҳамшираси.

Зияева Адиба Тоҳировна — шаҳар онкология диспансерининг санитаркаси.

Израилевич Лев Пинхусович — Тошкент медицина институтининг доценти.

Инякин Валентин Васильевич — Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази филиалининг бўлим мудири.

Эргашова Рўза Қурбоновна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

Ирисов Исроил — «Медтехника» 11-магазининг бўлим мудири.

Каримова Валентина Яковлевна — Тез медицина ёрдами касалхонасининг фельдшери.

Қосимова Турсунойўлат — 17-болалар поликлиникасининг медицина ҳамшираси.

Качанова Галина Ефимовна — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бўлим бошлиғи.

Колесникова Татьяна Васильевна — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарма марказий касалхонасининг врачи.

Кошчеева Анна Васильевна — марказий касалхона аптекасининг мудири.

Краповинская Тамара Александровна — 35-поликлиника врачи.

Краповинская Тамара Геннадьевна — Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг лаборанти.

Лобенко Нина Ивановна — 22- поликлиниканинг медицина ҳамшираси.

Мамедова Евгения Зейналовна — Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг бош медицина ҳамшираси.

Маркина Александра Никитична — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарма марказий поликлиникасининг врачи.

Маҳкамов Султон — Тошкент фармацевтика институтининг кафедра мудири.

Медведева Тансия Семёновна — П. Ф. Боровский номидаги Тошкент медицина билим юртининг ўқитувчиси.

Мирзараҳимова Дилбар — 18-поликлиниканинг медицина ҳамшираси.

Мишанина Клавдия Федоровна — Тошкент медицина институтининг инспектори.

Моргунова Раиса Александровна — Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ассистенти.

Обручева Валентина Петровна — 30-поликлиниканинг медицина ҳамшираси.

Полякова Надежда Ивановна — акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош врачининг ўринбосари.

Расулова Насиба-6-тугруқхона санитаркаси.

Розенбрикланд Вера Моисеевна — Ленин район санитария-эпидемиология станциясининг врачи.

Рустамова Жўра — 16-поликлиниканинг медицина ҳамшираси.

Садовникова Надежда Сергеевна — республика илмий-медицина кутубхонасининг бўлим мудири.

Саидова Дилбар Тошхўжаевна — «Микроид» заводи медицина-санитария қисмининг бош врачи.

Тошмуҳамедов Эркин Раҳимович — Тошкент фармацевтика институтининг доценти.

Турсунов Вильям Ғуломович — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейининг киооператори.

Умарова Назира — 7-болалар касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Хайбулина Раиса Азизовна —Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарма марказий поликлиникасининг врачи.

Ҳаққулов Эргаш Ҳаққулович — Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлимининг бош бухгалтери.

Ҳасанова Шаҳодат Саидқуловна — Республика офтальмология касаҳонасининг бош врачи.

Хегай Ирина Александровна — республика врачлик физкультура диспансерининг бўлим мудири.

Чернецова Елена Григорьевна — 1-республика касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Шукуров Хамид Мустафоевич — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарма автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. И. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил 26 июнь.

(Охири. Бошқа газетанинг ўтган сонида).

ИЖОД УЧУН «5» БАҲО

Мутахассислар Тошкент трактор заводи пресслаш-пайванд л а ш цехининг ишчиси Николай Салин ясаган янги штампга жуда яхши баҳо бердилар. Унификация этилган бу штамп юкини ўзи бўшатадиган прицепнинг мураккаб деталларидан бирини ишлаб чиқаришни енгиллаштирди. Штамп ясашга кетадиган металл сарфи икки баравар камайди, машинаускуна бўшади ва 3 ишчи бошқа деталларни ясашга ўтди.

Н. Салин таклиф этган янгиликка берилган юксак баҳо унинг иқтисодий таълим мактабда орттирган билим даражасини ҳам акс эттирди. Новатор янги ўқув йили бошида тугатган реферати учун «пресслаш-пайвандлаш цехида тежаб-тергаш учун курашнинг самарали методлари» мавзуини танлаб олди. Унда автор, жумладан, жорий этган шу янгилиги тўғрисида ҳам гапирди.

Ҳар тўрт тракторсознинг бири иқтисодий таълим системасида шуғулланади. Завод партия комитети машғулотларнинг программаси тингловчиларни ишлаб чиқариш экономикасини ўрганишга ҳамда тежаб-тергаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга йўлламоқи тўғрисида қайғурди. Бу йил иқтисодий таълим мактаблари, семинарлар, иқтисодий билим университети тингловчилари киритган 200 тадан кўп рационализаторлик таклифлари шунга бағишланди. Новаторлар йил бошидан бери 400 минг сўмликдан кўп металл, энергия, ёқилғи, асбобни тежадилар.

(ЎзТАГ).

КПСС аъзоси Норания Мазидулина 23 йилдан бери «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг коллективдаги обрў-эътибори яхши. Н. Мазидулина смена топшириқларини мунтазам 130—140 процент адо этади, мураббийчилик билан ҳам шуғулланади. Ҳозир у ёш тикувчи Насиба Иномовага касб сирларини ўргатяпти.

СУРАТДА: илғор тикувчи Н. Мазидулина.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

КПССНИНГ ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган материаллар тўплами «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» деб аталади. Тўпламга КПСС Марказий Комитетининг 1976—1981 йилларда партиянинг идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолияти актуал проблемалари юзасидан қабул қилган қарорлари ҳамда Л. И. Брежнев ва М. А. Суслов ўртоқларнинг сўзлаган нутқлари киритилган.

(ТАСС).

БИНО ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Шаҳримиздаги кўҳна архитектура ёдгорликларидан бири Жоме масжиди қурилганига 500 йил бўлган. У сарой типида қурилган Тошкентдаги ягона жоме масжиди бўлиб, Ўрта аср меъморчилигининг ўзига хос намунаси ҳисобланади. Ҳозир ана шу ноёб бинони таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шуниси қизиқки, бино кўркини сақлаб қолиш мақсадида илғари ҳам уриниб кўришган. Дастлаб Октябрь инқилобидан олдин ремонт ишлари бажарилган. 1940 йилда эса асосий бино металл боғичлар билан мустаҳкамланган. Эндиликда қайта тиклаш лойиҳасини Ўзбекистон маданий ёдгорликларини консервациялаш ва таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институти ходимлари Э. Нуруллаев ва М. Тўхтаевлар тайёрлашди.

«Меъмор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги махсус таъмирлаш устахонаси ишчилари бинони асл ҳолига келтириш ишларини қизғин олиб боришяпти. Ҳозир улар масжид ҳовлисидаги ҳужраларни қайта қуришяпти. Коллектив йил бошидан бери 25 минг сўмлик иш бажарди. Шу йил охиригача эса 46 минг сўмликдан ортиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ТУНДАГИ ШОВҚИН»

Ана шу сарлавҳали материалда «Ташлимводторг» айрим шаҳар касалхоналари ёнида спиртли ичимликлар билан савдо қилишни авж олдирганн танқид қилинган эди.

Редакцияга келган жавобда кўрсатилишича, шаҳар касалхонаси ёнидаги Собир Раҳимов районига қарашли савдо базасида спиртли ичимликлар сотиш қатъиян ман этилди.

«ТАКСИДАГИ ҒАЛАТИ УСУЛ»

Такси ҳайдовчи Ҳайитбой Шариповнинг йўловчига хизмат кўрсатишдан бош тортганн юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

1-таксомотор автокомбинатидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали коллектив ўртасида муҳокама этилган. Ноўрин хатти-ҳаракати учун ҳайдовчи Ҳ. Шарипов икки ой муддатга бошқа ишга кўчирилган. Шунингдек, бошқа такси шоферларига нисбатан ҳам чора-тадбирлар кўрилди.

«ҚАЧОНГАЧА ХИРА ҚИЛИБ ЁТАДИ?»

Октябрь районидаги айрим кўчалардан аҳолат вақтида олиб кетилмаётгани ана шу сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Редакцияга хабар қилинишича, бу масалада чора кўрилган. Барча кўчаларни назорат қилиб туриш район «Автодормехбаза»си зиммасига юклатилган.

ФОТООБЪЕКТИВДА — ЖОНАЖОН ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Фурқат кўчасининг бугунги кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

БЕРЛИН. Қурувчилар тажриба намунаси Берлиндаги химия комбинатида ишлаб чиқарилган янги препаратни «суюқ тош» деб атадилар. У ГДРда биноларнинг сирти ва ичини қоплашда ишлатиладиган материаллар ёнига қўшилади.

Янгиликнинг негизи — унинг таркибига қирувчи моддаларнинг, жумладан суюқ шишанинг биноқорлик материаллари юзи билан химиявий реакцияга киришидан иборатдир. Препарат масалан, бетон девор ёки сувоқ қилинган девор юзига пуркалса, у шу заҳоти мустаҳкам «тўн» бўлиб қолади.

Республиканинг бир қанча шаҳарларидаги қурилишларда ўтказилган синовлар препаратнинг самарадорлигини ва аввалги қоплама материаллардан устунлигини кўрсатди. Бу материал пуркалган девор юзи кўчиб тушмайди ва ташқи муҳит таъсирига берилмайди. Бундан ташқари қоплама ўзининг дастлабки тусини йўқотмайди.

Янгилик келаси йилиёқ саноат кўламида ишлаб чиқарила бошланади. Уни ўн бир тусда чиқариш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб уй-жой массивларининг ташқи қиёфасини ранг-баранг қилиш мумкин бўлади.

ТЕЗ СУРЪАТДА

ХАНОЙ. Вьетнам марказий платосининг тоғли районларида қўрақ ва бўз ерларни ўзлаштириш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ерда гевея (каучук олинадиган дарахт), кофе, чой ва бошқа қимматли экинлар етиштиладиган ихтисослашган йирик хўжаликлар барпо этилмоқда. Чўлқуварларнинг яқинидагина бу ерда қурилган посёлкаларига йил бошида республиканинг турли вилоятларидан 80 мингдан кўпроқ кўнгилли кўчиб келди. Уларнинг кўпчилиги Вьетнам комсомолининг йўлланмаси билан бу ерга келган йигит ва қизлардир.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

РИМ. Италиянинг кекса фуқароси Маттео Тетте Солинас 107 ёшида вафот этди. У Кальяри шаҳрининг маъмурий маркази Сардиния яқинидаги кичик бир қишлоқда истиқомат қиларди. Солинас ҳар куни пиёда сайр қилиш ва велосипед спорти туфайли шунча узоқ умр кўрдим, дерди. Солинас Италия велосипед спорти федерациясининг энг кекса аъзоси эди.

* * *

БРАЗЗАВИЛЬ. Заирнинг Конго дарёси қуйи оқимида жойлашган қишлоқларнинг аҳолиси қўркувда яшамоқда. Маҳаллий балиқчилар овга чиқмай қўйдилар. Бу фалокатни қутилмаганда бегемотлар келтирди. Маълумки, бегемот ўтхўр ҳайвон бўлиб, одамларга ҳеч қачон ҳужум қилмайди. Энди бўлса улар бутун оқ-ругни ур-йиқит қила бошлади.

Заирда чиқадиган «Салонго» газетасининг хабар қилишича, яқинда балиқчилар бегемотларнинг қурбони бўлдилар. Номаълум сабабга кўра, қутуриб кетган бегемот қайиқни ағдарди, сўнгра сувга тушиб қолган одамга ташланди. Натижада оғир жароҳатланган балиқчи чўкиб кетди.

* * *

ЖАКАРТА. Ява ороли билан Суматра ороли ўртасидаги «Зонт» бўғозида жойлашган Кракатау вулқони ўйғонмоқда. Индонезия вулканология институтининг хабар беришича, кейинги вақтларда вулқон кратеридан кўп-кўп кул ва тош отилиб турибди.

Кракатлунинг 1883 йил 27 августдаги фалокатли отилиши 36 минг кишининг ёстигини қуритган эди. Ўшанда отилган кул 800 минг квадрат километрдан кўпроқ майдонга ёйилган, кучли зилзила ва сув тошқини бўлганди. Қўшни оролларгача етиб борган денгиз тўлқинларининг баландлиги 20 метргача етганди.

* * *

ЛИМА. Перудаги чиқиш қийин бўлган тоғларни камдан-кам одам забт эта олади. Француз альпинисти Терри Ренар шу тоғларга чиқишгина қолмай, Дусангате тоғининг 6.384 метр баландликдаги чўққисидан... чанғида тушиб ниҳоятда довюраклиги ва жасурлигини намойиш қилди.

Матбуот конференциясида Т. Ренар айтдики, тоққа чиқиш муттасил ёғиб турган қор-бўрон шароитида олти кундан кўпроқ вақтни олган бўлса, ундан тушиш бир соатга ҳам бормади. Ҳолбуки, баъзан тиклиги 50—60 градусгача борадиган қияликлардан ҳам тушишга тўғри келарди.

Бундан олдин 35 ёшли француз альпинисти Лотин Америкаси қитъасидаги энг баланд Аконкагуа тоғининг денгиз сатҳидан қарийб 7 минг метр баландликдаги чўққисидан чанғида тушган эди.

* * *

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиялик сартарош Адербал Карлос Оливейра 20 йил қамоқда етганидан сўнг озодликка чиқди. Мутлақо айбсиз бўлгани ҳолда у судьянинг хатоси натижасида шу йилларни турмада ўтказди.

Оливейра 1960 йилда қамоққа олинган эди. Уни коммерсант квартирасига қуролли ҳужум қилишда, шунингдек полициячини ўлдиришда айблагандилар. Суд масаланинг моҳиятини текширмай, шўрлик сартарошни 25 йил қамоққа ҳукм қилиб юборган эди. Унинг бандитлар ҳужумига дахлсизлигини тасдиқлаган ҳақиқий жиноятчилар тутилганидан кейин ҳам муддатни ўташни давом эттираверган эди.

Сердаромад фонтан

РИМ. Полиция Рим аҳолиси ва меҳмонларига машҳур Трева фонтанига танга ташлашни тақиқламайди. Бу фонтан қадимий шаҳарнинг тарихий марказидаги асосий диққатга сазовор жойлардан биридир. Деярли икки ярим аср муқаддам барпо этилган ана шу архитектура ёдгорлиги ҳақида афсона тарқалган. Бу афсонада фонтанга учта танга ташлаган киши бир кун эмас, бир кун албатта яна Римга қайтиб келади, дейилади. Бироқ маҳаллий тартиб ўрнатувчилар Трева тубида ётган ўзининг, энг муҳими ўзгаларнинг «бойлигини» олишга йўл қўймайди.

Бу сафар ҳам ана шундай бўлди. Полициячилар италиялик икки ёш йигитни ушлаб олдилар. Улар фонтандан оз эмас кўп эмас... 240 минг лира ва турли қийматга эга бўлган қарийб 1200 та чет эл тангасини териб олишган, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги.

Фонтанга ташланган пулларни нега териб олиш мумкин эмас экан? Рим маъмурлари бу пуллар шаҳар ҳазинасига тегишли, деб уқтирадилар. Бироқ, дейди Франс Пресс агентлиги, бундай ҳуқуқ бирорта ҳам қонунда қайд этилмаган.

Ҳикматлар хазинасидан

● Кимни ёмон кўрсанг, унинг яхши фазилатларини ҳам кўра билишинг керак. Кимни яхши кўрсанг, унинг ёмон хислатларини ҳам кўра билгин.

● Содиқ киши садоқатни қўлдан бермайди, қаҳрамон охиригача курашади.

● Алишер Навоий айтади:
— Улки буюриб, ўзи қилмагай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмагай.

● Ҳофиз Шерозий айтади:
Дунёда ҳам машаққат,
азоб тортмайин десанг,
Аҳдингда тур, сўзингни
ботирма заҳар аро.
Ҳикоят: Бир дилозор бемордан ҳол сўради:
— Сизга нима бўлди?
— Юрагим ўйнайди.
— Ишингиз чатоқ, бу касалликдан ҳеч ким тузалмаган. Фарзандларингизни чақириб, васиятингизни қилаверинг.
Бемор фарзандларини чақирди:
— Бундан кейин менинг қошимга бу дилозорни асло киритманглар,—деди у.

● **Нақл:** Катта дарахт ўзгаларга соя берар, ўзи эса офтобда турар ва у ўзи учун эмас, бошқаларнинг ҳузур-ҳаловати учун мева берар.

● **Ривоят:** Одамлар Суқрот ҳакимнинг суҳбатига тез-тез ташриф буюришарди. Бир куни улар ҳакимдан:
— Яхшилик нима?—деб сўрашди.
Суқрот ҳаким айтди:
— Ўзгаларнинг ҳузур-ҳаловати учун ариқлар оқади, ўзгалар манфаати учун сигирлар сут беради, дарахтлар ўзгалар учун мева беради, ўзгаларнинг ҳузур-ҳаловати учун яхшилик қилувчи кишилар узоқ яшайди.

● Саъдий Шерозий айтади:
Улуғлик бўлса лозим айла, эҳсон,
Надин унсин экин, гар сочмасанг дон.
Нақл: Олижаноб кишидан илтимос қилсанг тилакларингни бажо келтирар, мурувватсизга мурожаат қилсанг қовоғини солар.

● Камтарлик, ширинсуханлик, софдиллик, саҳийлик, меҳрибонлик — мана шу беш фазилати бор одам чин инсондир.

● Абдураҳмон Жомий айтади:
Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг
оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра
бўлди-ю, ҳамма бости.

● **Латифа:** Бир кишининг қулоғи доим кир бўлиб юрар. Ўлгудек ялқов эди. Кекса бир одам ундан сўради
— Наҳотки уялмасдан шу кир қулоғингиз билан юрсангиз?
— Афсус,— деди ялқов,—менда бошқа қулоқ йўқ-да, нима қилай ахир.

● «Ахлоқи Мухсиний»да шундай дейилади:
Бузургмеҳрдан Нўширвони Одил сўради
— Мулойимлик қандай бўлади?
Жавоб берди:
— Мулойимликнинг нишоналари бор. Бири шуки, қовоқ солиб қаттиқ ғаширган одамга очиқ юз ва ширин сўз билан жавоб берилади. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади.
Мулойимликнинг иккинчи нишонаси ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса ўзини тутиб уни ўчириштир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади. Учинчиси, гуноҳкорни жазога маҳкум қилаётганда ғазаб ўтини сўндириб, сўнг чуқурроқ ўйлаб иш тутишдир.

● Абулқосим Фирдавсий айтади:
Ҳар ишда яхшидир
юмшоқ сўзласанг.
Яхшимас бошдан
жанжал кўзласанг.

Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.

• *Тарихий обидаларимиз*

БИБИХОНИМНИНГ ИККИНЧИ ЁШЛИГИ

Кўҳна Самарқанд шаҳрида тарихий ёдгорликлар жуда кўп. Шулардан бири Бибихоним мачити. Бу мачит қурилиши ва архитектура жиҳатидан Ўрта Осиёда тарихий меъморчиликнинг ягона намунасидир. Мачит 1399—1405 йилларда қурилган. Мана у 576 йилдан бери сақланиб келмоқда. Йиллар ўтиши билан у емирилиб кетди. Шу кунгача мачит енгил формала таъмирлаб келинган эди.

Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти хайрли ишга қўл уриб, Бибихоним мачитининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Мачитнинг умумий макети ва гул безаклари тайёрланди.

Лойиҳанинг бош автори Мирзамурод Маҳмудович Тўхтаевдир. Институтда М. Тўхтаев бошчилик қилаётган иккинчи бўлимнинг биринчи устахонаси коллективи Самарқанд областидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш лойиҳаларини тайёрлашади. Уларнинг лойиҳасига асосан Шердор мадрасаси ҳам тикланган.

Бибихоним мачити лойиҳасини тайёрлашдан олдин Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли ёдгорликларни муҳофаза қилиш бош бошқармасининг ва «ТашЗНИИЭП» лойиҳалаш институтининг мутахассислари чуқур ўргандилар. Лойиҳага асосан мачитни тўлиқ тиклашда ҳозирги замон қурилиш материалларидан ҳам ишлатилади. Бу эса ёдгорликнинг умрини узайтиради, мустаҳкамлигини таъминлайди ва келажак авлодларимизга етиб боради. Ҳозирги кунда шу лойиҳага асосан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: ўнгда— Бибихоним мачити комплекси бир қисмининг макетдаги кўриниши; чапда — гумбаз шипининг безаги. Бу лойиҳа асл нусхадан кўчирилган.

Автор фотолари.

Шанба оқшоми

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ● ЕДГОРЛИКЛАР ТАЪМИР ЭТИЛМОҚДА ● ИНСОН ВА ТАБИАТ ● АЖОИИБОТЛАР

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

Ипак акация

Серқуёш Республикамизнинг кўп жойларида ўсаётган турли-туман дарахтлар орасида пуштиранг ипак гулли акация киши диққатини беихтиёр ўзига тортади. Кўркам баргли бу акация дунёдаги энг чиройли дарахтлардан бўлиб, унинг ватани Эрон ҳисобланади.

Ипак гулли акация табиий ҳолда Талиш тоғларининг (Жанубий Озарбайжон) этагида анжир ва анор билан бирга ўсади. Шунинг учун бу дарахтнинг номи Ленкоран акацияси деб ҳам юритилади.

Дарахтнинг бўйи ўнўн беш метргача етади. У баҳордан то кеч кузгача гуллаб туради. Емғирли, булутли кунлари ва тунда «уйқу»га кетади: тропик ўсимлиги мимоза каби барглари ингичка трубачаларга тўплайди, шохлари эса яланғоч тусга киради.

Ипак акация Узбекистонга биринчи марта 1930 йилда келтирилган. Дастлаб Сурхондарё областининг Денов шаҳридаги қурғоқ субтропиклар институтининг тажриба участкасида синаб кўрилган. Натижада ипак дарахтининг Ўрта Осиё иқлими учун мос эканлиги аниқланган. Ҳозирда бу дарахт Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда кенг миқёсда тарқалган.

К. ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати.

Насл учун кураш

Биз яқинда Чимён тоғ бағрида дам олиш пайтида бир ҳодисанинг шоҳиди бўлдик. Ҳамроҳимиз билан Угом дарёсида чўмилишга қарор қилдик. Катта бир тош турган жойни танлаб олдик. Шу тош устида дам олиб тургандик, сувда бирданига иккита илон пайдо бўлди. Қирғоқда турган катта бир бақа сувга сакраб тушди. Илон шу заҳоти уни тутиб олди. Биринчи илон бақани бошидан, иккинчи илон орқа оёғидан торта бошлади. Илонлар ўртасида жанг кетди. Ниҳоят, иккиси ўлжани тенг бўлиб олишди. Биз сувга тушган эдик. Илонлар яна пайдо бўлишди. Бизга яқинлашмасдан, яна сузиб кетишди. Бир оздан кейин иккала илон қайтиб кетди.

Бизни бу ҳодиса жуда қизиқтириб қолди. Дам олгани тош устига чиқиб олдик. Ҳарсанг-тошнинг ярми сувда, ярми қуруқликда эди. Тошни қуруқликка суриб қўймоқчи бўлдик. Уни кўтаришимиз билан чуқурликда ётган тухумга кўзимиз тушди. Бу илон тухуми эди.

Кейин билсак, бу илонлар тош атрофини қўриқлаб юришган экан, чунки ҳар бир илон ўз тухумини душмандан қаттиқ ҳимоя қилади.

Илонлар сингари чўлда яшайдиган калтакесаклар ҳам ўз тухумларини қумни ковлаб кўмиб қўйишади. Тупроқ, қумнинг қизиғи таъсири натижасида бир неча вақтдан кейин тухумдан ёш калтакесакчалар чиқа бошлайди. Улар тухумдан чиқиши билан овқат топишга киришиб кетишади, қурт-қумурсқаларни ушлаб ейишади. Эчкемар болалари тухумдан чиқиши билан ярим танасини қумга кўмиб ётишади. Ҳар бир жонивор ўз насли учун ҳаётда кураш олиб боради.

Р. АБСАМАТОВ.

КОИНОТ СИРЛАРИ

УРАНДА ШЕКСПИР ҚАҲРАМОНЛАРИ

Уран планетаси, аслида музиқант, кейинчалик машҳур астрономлик даражасига кўтарилган Вильям Гершель томонидан 1781 йили тасодифан топилди. Маълум бўлишича, бу сайёра очилгунга қадар қарийб юз йилча илгаридан кузатилиб келинган экан. Бироқ астрономлар, унга ҳар сафар ҳира бир юлдуз деб қараб, ортиқча эътибор бермай юрган эканлар. Планета орбитасини биринчи бўлиб Петербург академиясининг академиги Лексель ҳисоблади.

Уранинг диаметри 49 минг 600 километр бўлиб, массаси Ерникидан 14,6 марта катта. Бу сайёра Қуёшдан ўртача 19,2 астрономик бирлик масофада унинг атрофида айланади. Планета гардишини кўриш учун, кам деганда 100 мартача катталаштирувчи телескопдан кузатиш керак бўлади.

Уран ортиқча шошмайди. Унинг орбитал тезлиги секундига 6,8 километрни ташкил қилади ва Қуёш атрофида 84 йил деганда бир марта айланиб чиқади. Бироқ у ўз ўқи атрофида нисбатан тез айланади: суткасининг узунлиги 10 соату 49 минут.

Гарчи планета сирти деталларини телескопда кўриб бўлмаса-да, бу сайёра сирти равшанлигининг даврий равишда ўзгариб туриши яққол сезилади. Бу эса унинг айланишидан дарак беради.

Планетанинг экватори орбита текислигига 98 градусли бурчак остида ётгани туфайли, бу сайёра ўз орбитасига «ёнбош»гина эмас, ҳатто бир оз «боши пастга» эгилган» ҳолда бўлади. Шунинг учун ҳам Уранинг ўз ўқи атрофида йўналиши, Венераники каби, барча бошқа планеталарнинг айланиш йўналишига қарама-қарши бўлади. Бу эса, ўз навбатида планетада йил фаслларининг ва кеча-кундузнинг алмашинувларига қизиқ бир тус беради. Жумладан, саксон тўрт йиллик Уран «йили»нинг 21 йили давомида Қуёш доимо уфқдан кўтарила бориб, эрталабдан тушгача вақт ўтади. Сайёранинг маълум бир ярим шарида ёз ҳам бир неча йил давом этса-да, бироқ Қуёшнинг тафти унгача деярли етиб бормайди. Чунки Уран осмонида Қуёш гардиши атиги 2 минутга яқин бўрчак остида, яъни Ерга кўринганидан 16 марта кичик кўринади, холос. Сайёра сиртини радионурлар асосида ўлчашлар, унинг ўртача температураси Цельсий шкаласида минус 200 градус эканлигини маълум қилди.

1977 йил мартда «SAO 158687» деб номланган юлдузни (Сумбула юлдуз туркумида) Уран билан бекилишини кузатиш асосида сайёранинг ҳақиқий диаметрини аниқлаш мақсадида махсус жиҳозланган самолётда ёш америкалик олимлар Дж. Эллиот, Э. Данхем ва Д. Миннклар ҳавога кўтарилишди. Эслатилган юлдузнинг бекилишига 40 минут қолганда унинг равшанлиги бирдан камайиб кетди ва бир неча секундан кейингина яна ўз ҳолига қайтди. Юлдуз равшанлигининг бу хилда камайиши, то у планета билан тўсилгунга қадар беш марта қайтарилди. Кузатиш шундаки, юлдуз Уран билан 25 минут тўсилгандан кейин ҳам юлдуз равшанлигининг пасайиши худди олдингидагидек даврийлик билан қайтарилди. Олинган бу маълумотларни анализ қилиб, олимлар планета атрофида Зухалники (Сатурнники) каби бешта ҳалқа борлигини аниқладилар. Шунингдек, текширишлар ҳалқаларнинг қалинлиги ўртача 10 километрдан бўлиб, текисликлари сайёранинг экватор текислиги билан мос келишини маълум қилди.

Сўнгги йиллар тадқиқотларининг анализи «ёнбош планета», асосан водород ва гелийдан ташкил топган бўлиб, унда қисман метан ҳам борлигидан дарак беради.

Уран атрофида топилган йўлдошларнинг сони бешта. Шулардан иккита энг йириги В. Гершель томонидан очилиб, Титания ва Оберон деб номланган. Француз эпосидан бу номлар биринчи марта XII асрдан сўнг учрайди. Кейинроқ, яъни бу номлар билан В. Шекспирнинг «Эзги тундаги туш» комедиясининг қаҳрамонлари юритилгандан сўнг, улар айниқса, оммабоп бўлди.

Уранинг бу икки йўлдоши топилгандан кейин 64 йил ўтгач, астроном Лассель сайёранинг яна икки йўлдошини топди ва уларни ҳам Шекспир асари қаҳрамонларининг номлари билан Умбриэл ва Ариел деб атади. Ниҳоят, 1948 йили Дж. Койпер планетанинг бешинчи йўлдошини топди ва традицияга кўра, Шекспирнинг «Бўрон» эртак-пьесасининг қаҳрамони Миранда номи билан атади.

Сайёранинг ҳар бешала йўлдоши ҳам унинг атрофида Уранинг айланиш йўналиши билан бир хил йўналишда айланади. Уларнинг айланиш текисликлари планетанинг экватор текислигига жуда яқин. Бир «уран йили» ичида унинг йўлдошларини икки марта ён томондан, яъни экватор текислиги йўналишида ва икки марта сайёра қутблари томонидан кўриш мумкин бўлади.

Гарчи сунъий космик аппаратлардан айримларининг (АҚШнинг «Пионер—X») «ёғ»и Уран орбитасига етган бўлсада, бироқ у «ёнбош планета» ҳақида ундан салкам 3 миллиард километрли масофадаги Ерга маълумот узатишга ожизлик қилади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астроном.

ГУЛ

(ЭТЮД)

Йигит тез-тез соатига кўз ташлайди. Чехрасида висол иштиёқи билан бирга ташвиш аломати. Кутаётган кишиси кечикаяпти. Нима бўлди экан? Наҳотки келмаса?..

У йўлдан кўзини олиб, ўнг қўлидаги икки донагина пушти ранг атиргулни аввалгина димоғига олиб бориб ҳидлайди. Ёқимли ҳиддан сарҳуш бўлиб жилмаяди. Бехосдан гулларнинг биридан нозикгина пушти япроқча узилиб ҳаволана-ҳаволана пастга шўнғийди. У ачинганча тўкилган митти гул япроққа тикилиб қолади.

Ниҳоят боғ этагидан атлас кўйлакли қиз кўринди. Йигитнинг юраги ҳаприқиб, вужуди ёқимли ҳислар жимирлаб кетди.

Бир лаҳзалик тотли сўрашувдан сўнг, йигит назокат билан гулларни узатди. Ҳаяжонли овозда қўшиб қўйди:

— Ўзим ўстирган гуллар... Бугун иккитаси очилган экан...

— Раҳмат, — деди қиз бепарвогина.

Қизнинг жавоби негадир қуруқ чиқди. Унинг назари ўткинчилардан бирининг қўлидаги каттакон чойрили гулдастага тушиб қолганди.

«Мунча назари паст бўлмаса, кишига ўхшаб гулдаста сотиб олиш ўрнига, ўзим ўстирганман, деб қандайдир иккита гулни ҳадя қилмаса».

У қўлидаги гулларга нозик ҳаракатда бўлмай, қўполлик қилгани учун, гул япроқчаларидан бир нечтаси тўкилиб тушди. Йигит буни сезмади. У ишкдан маст, севгилисининг ҳуснига маҳлиё эди.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ.

Рассом табассуми



ҲАМШИРА: — Вой, бу бемор қаёққа ғойиб бўлди?

— Сенга иккитагина тухум новуриб берардиму, кўриб турибсан идиш-товоқни ювадиган одам йўқ.

БОЛА: — Дадажон, танишинг, Аҳмаджон деган ўртоғим шу бўлади.
Ота ўз одати бўйича:
— Айт, унга, ўзи ҳақида характеристика олиб келсин.

— Мен ойимнинг юзини эласт-эласт эсляйман.

А. Ҳолиқов расмлари.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

Ёз

Ҳар бошоқда,
Сўлим боғда,
Мўл-кўлчилик
Куй—назми.
Уфқда кизир,
Жимир-жимир,
Куёш бобом
Нур базми.
— Хорманг, дея,
Толманг, дея,
Чой тутамиз
Деҳқонга.
Килиб ҳашар,
Кучиб зафар,
Бўй берамиз
Хирмонга.

ЯЛҚОВ

Бўлмас ҳеч қачон
Оғзи бўш чоғи.
Гоҳ учар лабдан
Писта пўчоғи.
Доимо тайёр
Ичмоқ, емоққа.
Аммо вақт топмас
Тишни ювмоққа.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Уй дипломатияси

Қўшнилар радиоприёмник сўраб киришди:
— Кеч бўлиб қолдику, — деди уй эгаси, —Еки бир оз танца тушмоқчимисизлар?
— Йўқ, йўқ, биз ухламоқчимиз.

Космонавтика асрида

Она ошхонага кирди-ю, ҳайрон бўлиб туриб қолди, чунки унинг олти яшар ўғли холодильникда ўтирар эди.
— У ерда нима қилип сан? — ажабланиб сўради она ўғлидан.
— Мен машқ қилипман. Космонавтларга ўхшаб ёлғизликда ўзимни қандай тутишни текширапман.

ОҚШОМ НАСИБАСИ

ШАКАРЛИ КУЛЧА

Юмшатилган сариёғни тухум билан обдон аралаштирилади. Аста-секин қанд упаси ва ванилин қўшиб, яхшилаб уч-тўрт минут қориштирилади, сўнг ун қўшиб, юмшоқ хамир қорилади-да, урвоқ сепилган ош тахтага олинади. Юмалоқ зувалачалар ясаб, ёғ суртилган духовка патнисига терилади ва паст оловда 25—30 минут пиширилади. Пишиб чиққан кулчалар совигач, устига қанд упа сепиб безатилади.

Шакарли кулчага бир ярим стакан ун, 130 грамм сариёғ, 4—5 ош қошиғида қанд упаси, таъбга қараб ванилин ва туз солинади.

• *Дам олиш соатида*

«БИРИНЧИЛАР» ЧАЙНВОРДИ



1. Америка қитъасидаги биринчи социалистик мамлакат. 2. Биринчи олимпия ўтказилган қадимий грек шаҳри. 3. Рангли телевидение системасининг биринчи лойиҳасини 1925 йил февралида тузган совет инженери. 4. Дунёда биринчи телескоп-рефлектор моделини 1668 йилда яратган буюк инглиз олими. 5. Ўзбек хотин-қизлари ичидан чиққан биринчи актриса. 6. Совет бадиий кинематографиясида В. И. Ленин образининг биринчи ижрочиси.
7. Биринчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган челюскинчи учувчилардан бири.
8. Биринчи совет космик кемаси. 9. Радио активлик таълимотининг асосчиси, жаҳонда биринчи академик аёл. 10. Баҳорнинг биринчи кўкати. 11. Биринчи овозли ўзбек кинокартинаси. 12. XVII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган истеъдодли шоир, тарихчи, моҳир таржимон ва ҳаттот.
13. Ўзбек аёлларидан чиққан биринчи академик. 14. Дунёда фото телеграф орқали нашр этилган биринчи япон газетаси. 15. Атоқли шоир ва ёзувчи Ойбекнинг биринчи шеъри.
16. Ҳиндистоннинг биринчи сунъий йўлдоши. 17. Мусобақаларда доимо биринчи ўринни эгаллаб келаётган машҳур чим хоккей қизлар командаси. 18. Иттифоқимизда биринчи ўринда турувчи пионерлар лагери.

Тузувчи: А. МИРЗАЕВ.

29 АВГУСТДАГИ «ТЎРТ ҲАРФЛИ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Боку. 2. Куба. 3. Икки. 4. Наби. 5. Азот. 6. Соат. 7. Очко. 8. Усач. 9. Курс. 10. Уран. 11. Атир. 12. Сари. 13. Кама. 14. Алла. 15. «Реал». 16. Реле. 17. Решт. 18. Трюк. 19. Матч. 20. Лайм. 21. Манн. 22. Лайн. 23. Ашот. 24. Кино. 25. Атом. 26. Иена. 27. Неру. 28. Уйчи. 29. Тинч. 30. «Имон». 31. Ромб. 32. Анор. 33. Рота. 34. Иони. 35. Инта. 36. Мирт.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

ОҚ АЙИҚ: — Муздек сувда чўмилгандан кейин қуёшда тобланиш ҳам маза-да.

ЙЎЛБАРС:— Кун намунча иссиқ, ҳарсиллатиб юборди-ку.

ФИЛ:— Бурним ҳар қанча узун бўлса ҳам, димоғдорлик қилиб баланд нўтармайман.

БУРГУТ:— Менинг нигоҳим тушганда ҳамма паррандалар юраги ҳовучлайди.

Р. Загратдинов фотолари.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ЖУМАНОВ: Мен фронтда қатнашганман. Яқинда пенсияга чиқдим. Шунда менсан ўзимизнинг ишхонамизга қарашли поликлиникага бориб даволаниш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни олиб қўйишди. Шу тўғрими?

Жавоб: Йўқ, нотўғри. Улуғ Батан урушининг ишлашни тўхтатган қатнашчиларига улар пенсияга чиқкунга қадар биркитиб қўйилган поликлиникадан даволаниш имконини давом эттириш ҳуқуқи берилган. Бинобарин уларга белгиланган пенсия қандайлигидан, яъни ёши бўйичами, инвалидлиги бўйичами, ҳуллас ундан қатъий назар, бундай имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

• • •

Н. РИХСИХЎЖАЕВ: Мен яқинда бир дўстимдан Тошкент шаҳар ҳаваскор югурувчилар клуби — «Кентавр» клуби ўз жойини ўзгартирибди деб эшитдим. Шу тўғрими?

Жавоб: Чиндан ҳам шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳаваскор югурувчилар клуби бўлган «Кентавр» клуби шаҳримиздаги «Текстильшчик» стадионига кўчиб ўтди. «Кентавр» клуби раиси Ю. Лимовнинг бизга хабар килишича, «Текстильшчик» стадиони дирекцияси ҳаваскор югурувчилар ихтиёрига енгил атлетика йўлкаларини, спорт иншоотларини, душхона ва ечиниш хоналарини ҳуштавозелик билан берди. Янги жойда «Кентавр» клубига аъзо бўлган ҳамшаҳарларимиз ўз маҳоратларини кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё килиб берилган.

Клуб аъзоларининг янги жойдаги дастлабки машлиси эртага, 6 сентябрь куни эрталаб соат 10 да бўлади. 13 сентябрда эса Тошкент — Олмалик трассаси бўйлаб «Кентавр» клуби югурувчилари мусобакаси ўтказилади. Ҳуллас, ҳаваскор югурувчилар ўзларининг бўш вактларини шу ерга келиб янада сермазмун ўтказишлари мумкин.

• • •

К. АБДУРОЗИҚОВА: Куз мавсуми бошланди. Уйимиздаги баъзи кийим-кечакларни қайтадан тиктирмоқчи эдик. Шундай юмушларни шаҳримиздаги қайси ателъеларда бажариб беришади?

Жавоб: В. И. Ленин номидаги якка тартибда кийимлар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасидан бизга хабар қилишларича, бундай ремонт ишларни бажарадиган махсус устахоналар шаҳримиздаги барча районларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шундай ателъелардан бири 4-тураш жой шаҳарчасидаги 27-ателъедир. Бу ателье Лисунов кўчасидаги 17-уйда жойлашган. Каблуков кўчасидаги 1-уйда 16-ателье, ишчилар шаҳарчасидаги 48-ателъеда ҳам шундай юмушлар бажарилади.

БИЛДИРИШ

7 сентябрь куни соат 18.30 да Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг сиёсий маориф уйида Тошкент идеология ходимлари университетининг халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультетида навбатдаги машғулот ўтказилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лектори, иктисод фанлари кандидати, доцент М. К. Аралбоев «Ўн биринчи беш йилликда мамлакатимизни иктисодий ва социал ривожлантиришнинг хусусиятлари» мавзуида лекция ўқийди.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

3 Тошкент бет. ОКШОМИ

5 СЕНТЯБРЬ, 1981 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Болалар бадиий коллективларининг концерти. 10.50 Болалар учун фильм. «Сув қасрдан оқади». 11.35 «Ҳайвонот оламида». 12.35 С. Франк. Ре-минор симфонияси. 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Меҳнатинг — иқболинг. Кинопрограмма. 16.25 «Оғалар мактаби». 16.55 «Тоғлар қўшиғи». Фильм-концерт. 17.25 Спорт программаси: Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. Енгил атлетика бўйича жаҳон кубоги. Италиядан олиб кўрсатилади.

18.25 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». 18.55 «Расм-ларда қўш акси бор». 19.10 Бразилиянинг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кунга, «Жаҳон халқларининг иқоди». Бразилия халқ санъати. 19.30 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Индустрия — қишлоққа». 20.00 Г. Доницетти. Лучия ди Ламмермур». Фильм-опера премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Кувноқ йигитлар». Ешлар программаси. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Ешлар программасининг давоми. 23.25 «Кириш». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Баландлик». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 «Рус тили». 10.35 Тарих. 8-синф. 11.00 «АБВГДейка». 11.35 Тарих. 8-синф. 12.00 «Рус тили». 12.30 «Бўҳна Таллин томлари остида». Илмий-оммабоп фильм. 12.40 В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти». 10-синф. 13.10 «Фан оламида». 13.40 В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» 10-синф. 14.10 «Бу магнитли, магнитли олам». Илмий-оммабоп фильм. 14.20 Ж. Верн. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. Ўқитувчи экрани. 15.05 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. 15.35 Умумий биология. 9-синф. 16.05 Драматургия ва театр. 16.50 «Республикамнинг ёнр куни». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент).

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 Дзю-до бўйича жаҳон чемпионати. Нидерландиядан олиб кўрсатилади. 21.00 «Офтобда пишган мевалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Болгария). 1-серия. 23.20 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Кичкина қизча ва автомобиль ҳақида» Мультфильм. 18.40 Болалар учун концерт. 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Едимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Фарғи Алиев қўшиқлари. 20.20 «Узбекистон нони». Ҳужжатли фильм. («Эскинохроника».) 20.30 «Ахборот». 20.50 Рояль олдидаги суҳбатлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Шоликорларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.20 «Эркаклар ёзи». Бадиий фильм. 23.50 «Бугун оламда нима гап». Ҳалқаро аҳвол кундалиги. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Солдатча». 18.45 «Ешлик сафда». Ҳужжатли телефильм. 19.30 «Шифокор экрани». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Хатарли парвоз». Бадиий фильм. 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

8 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Асли болаликдан». Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания». 11.00 Г. Доницетти. «Лючия ди Ламмермур». Фильм-опера. 12.30 «Пушкин Петербургда». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 13.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 «Халқ оҳанглари». 16.25 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.25 Д. Шостакович. «Степан Разиннинг қатл этилиши». Поэма. 17.55 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

18.10 «Звездочёт» телевизион журнали. 18.55 Корея Халқ Демократик Республикаси артистларининг чиқиши. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада» кубоги». Финляндия — СССР терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». «Канада — Швеция терма командалари. 3-давр, Канададан олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 СССР халқ артисти И. Богачёва ҳамда Ленинград телевиденияси ва радиосининг В. Андреев номли рус халқ оркестри концерти. 23.55 Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Йил охиридаги кичик карнавал». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Француз тили. 10.35 Тарих. 5-синф. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. 11.35 Тарих. 5-синф. 12.05 Француз тили. 12.40 Ботаника. 5-синф. 13.00 Шахмат мактаби. Шахмат тожи учун кураш. 2-кўрсатув. 13.30 «Томск жилолари». Илмий-оммабоп фильм. 13.40 Ботаника. 5-синф. 14.00 А. М. Горький. «Одамлар орасида». «Менинг университетларим». Ўқитувчи экрани: 14.55 География. 7-синф. СССРнинг географик жойлашиши ва чегаралари. 15.15 Достонлар. 5-синф. 15.50 Ўқитувчига музика дарси. 2-синф. 1-кўрсатув. 16.50 «Норильск». Ҳужжатли фильм.

19.00 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария) 2-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетиди, сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.35 Мактаб ўқувчилари учун «Жонажон ўлка». 19.05 «Журналистчасига софдиллик билан». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Ярим финал (эзиб олинган). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ойнацулова ва С. Муҳиддинов иштирокида концерт. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Оқ олтин» карвон-карвон». 22.25 «Катта йўл». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм, «Галилейнинг набиралари». 18.20 «Ўқитувчи экрани». 18.50 Эстетика асослари. «Эстетика нимани ўргатади?» (рус.). 19.30 «Бизнинг тароналар». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама. 20.35 «Ешлик» студияси кўрсатали. «Касбим — фахрим». 21.05 «Ҳар куни қаҳрамонлик». Телефильм (рус.). 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

9 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси. 10.35 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Москвадаги 397-мактаб ўқитувчиси Октябрь революцияси ордени кавалери Л. И. Читякова билан учрашуви. 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.35 П. Чайковский номли Халқаро конкурс лауреати Г. Соколов концерти. 13.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 К. Хачатурян. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната. 16.30 «Горчичлар қасрдаси!». 17.00 «Рус тили». 17.30 «Ешлар адресларга». 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Кувноқ нотачилар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунига. Болгария Халқ Республикаси телевиденисининг программаси. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. ЧССР — Уэльс терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.35) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Псков». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 Астрономия. 10-синф. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. СССРнинг ташкил топиши. 11.35 Астрономия. 10-синф. 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.40 Умумий биология. 9-синф. 13.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.40 Умумий биология. 9-синф. 14.10 А. Н. Островский «Момақалдироқ». Ўқитувчи экрани: 14.55 Зоология. 7-синф. Бўғинсёқилар. 15.20 Музика. 4-синф. Н. А. Римский-Корсаковнинг «Шоҳ Султон ҳақида ертак» операси. 15.50 «Демьян Бедний — революция куйчиси». 16.45 «Офтобда пишган мевалар». Телевизион ҳужжатли фильм.

19.30 Сув спорти турлари бўйича. Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 20.15 «Бир актер театри». В. Маяковский шеърларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди. 20.50 «Меҳнаткаш ёшлигимиз». Концерт. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария). 3-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Лукоморья бўйида». (рус.). 12.00 «Шеърият дафтаридан». 12.30 «Катта йўл». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бароқвой». Мультфильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «ССО — 81». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Ишга туширилаётган объектлар — сафга!» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Финал. «Юбилей» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». 21.30 Москва. «Время». 22.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Икки солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм. 23.40 «Бугун оламда нима гап?», Ҳалқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Янги эртак». Кўғирчоқ фильм. 18.20 Эстетика асослари. «Эстетика нимани ўрганади?» 18.50 Болгария озод этилган кунга. «Болгария билан учрашув» «СССР — Болгария: дўстлик ва ҳамкорлик». Ҳужжатли фильмлар. 19.30 «Пойтахт области далаларда». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Менинг тақдирим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

10 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горкчилар, қарердасиз!». 10.35 «Бемаврид интиҳонлар». Бадиий фильм. (Болгария). 11.45 РСФСР фольклор рақс ансамбларининг чиқиши. 12.35 СССР халқ рассоми М. Сарьян ижодига оғишланган кўрсатув. 13.25 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ерда», Кинопрограмма. 16.10 «Шахмат мактаби». 16.40 «Маэстро Тий куюзик». «Эстония» театрида». Телевизион музикали фильм. 17.10 «Мураббий». Телевизион журнал.

17.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати, Югославиядан олиб кўрсатилади. 17.55 Молдавия ССР Бендери шаҳри шойи комбинати Маданият саройи «Пристения» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Илғор тажриба — умумхалқ мулки». 19.00 Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». Канада — СССР терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Свешников». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Бокс бўйича СССР чемпионати. Финал. Тошкентдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Лешчуконда отлар ўйинга тушади». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Испанча суҳбатлашинг. 10.35 Умумий биология. 10-синф. 11.05 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!». 11.35 Умумий биология. 10-синф. 12.05 Испанча суҳбатлашинг. 12.40 Музика. 6-синф. 13.10 «Сиз яратган соғ». 13.40 Музика. 6-синф. 14.10 Мактаб ва иқтисодиёт. 2-кўрсатув. Ўқитувчи экрани: 14.40 «Игорьсво полки ҳақида қисса» ва рус адабиёти». 8-синф. 15.10 Математика. 2-синф. 15.30 «Иван Тентак қандай қилиб мўъжиза кетидан юрди». Бадиий фильм (субтитр билан). 16.50 Телевизион ҳужжатли фильм.

19.30 «Оила ҳақида ўйлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидан парчаларни СССР халқ артисти Д. Журавлёв ижро этади. 20.30 «Инқин Шарқ: иэтироф, ташвиш, умид». Ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Болгария). 4-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий масаласи (рус.). 12.00 «Оқоралик қизлар». Телефильм. 12.30 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий масаласи. 13.00 Кичкинтойлар учун, «Фонарик» (такрорий). 13.30 «Икки солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қўшиқ». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Кенг истеъмол моллари — юқори сифат». 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 Адабий театр. У. Азимов. «Кўёшли олам». 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Яна кон ҳақида». Публицистик кўрсатув. 22.35 «Алёшкининг севгиси». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Иранинг кундалиги». 18.20 «Инсон инсонга учун». Телефильм. 19.00 Теннис бўйича Узбекистон ССР биринчилиги (эзиб олинган). 19.30 «Классик куй саҳифалари». 20.00 Янгиликлар. 20.15 «Менинг тақдирим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

11 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ўсмирлар ижоди». 10.35 «Умид шамоли». Бадиий фильм. 11.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.45 Софья Давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти. (БХР). 13.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 16.25 Халқ чолғулари ижрочилари II Бутуиоссия конкурсининг лауреати А. Занкин чалади (баян). 17.00 «Москва ва москвиликлар». 17.30 «Сен қонуни биласанми». Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар.

18.00 «Бирғаликда, аҳил оиламиз». 18.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 19.00 «Болаларга аталган шеърлар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Арфа янграйди». Фильм-концерт. 19.40 «Мамлакат далаларида». Қозоғистонда дон тапшириш ташкил этиш тўғрисида. 19.55 «Хаммангизга ташаккур». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Санъат устаси». Софико Чиаурели. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Софико Чиаурели ҳақидаги кўрсатувнинг давоми. 23.35 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Галла ва ой». Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.35 Тарих. 4-синф. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. 11.35 Тарих. 4-синф. 12.05 Инглиз тили. 12.40 Тарих. 7-синф. 13.40 Мустай Карим поэзияси. 13.40 Тарих. 7-синф. 14.10 «Звездочёт». Телевизион журнал. Ўқитувчи экрани: 14.55 А. С. Пушкин. «Капитан қизи». 7-синф. 15.25 Тарих. 4-синф. 15.50 Ёзувчилар В. И. Ленин ҳақида. М. Прилежаева ҳикоя қилади. 16.20 Қадимги рус санъати. 1-кўрсатув. 16.50 «Менинг боғимга кир». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент).

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 21.00 «Халқ оҳанглари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Энг кичик ёғмир». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария) 5-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Рус адабиёти. «А. С. Пушкин ва Узбекистон». 12.00 «Брест қалъаси болалари». Телевизион фильм. 12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус). 13.00 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида». 13.30 «Алёшкининг севгиси». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қўқиончли ҳайвон». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 19.00 «Биринчилар». 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 «Оламга сафҳат». Киноҳужжатлар. 20.30 «Ахборот», 20.50 «Куйла, ёшлигим». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Узбекистон қовунлари». Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидан репортаж. 22.25 Танкчилар кунига. «Фарҳоднинг жасорати». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Йўловчи». 18.45 А. Чехов. «Деворлар». Телефильм (рус). 19.30 «Галла — ризқ-рўзимиз». 20.00 Янгиликлар. 20.15 «Менинг тақдирим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.) 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

12 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «АБВГДейка». 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 Г. Телеман. Гобой ва клавесин ижроси учун соната. 11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 12.15 «Спорт-лото»нинг 37-тиражи. 12.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. «Эфиопия қўшиқлари» (Эфиопия). 13.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар. 14.10 СССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». Ярим финал. Канададан олиб кўрсатилади.

17.10 Фильм экранга чиқарилганлигининг 45 йиллигига. «Етти довюрак». Бадиий фильм. 18.40 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.10 Мультфильм. 19.30 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». Ярим финал. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Раймонд Паулс билан учрашув.» Музикали программа. 23.20 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Е. Сорокина ва Халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади (фортепьяно). 10.05 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.45 «Телестадион». 11.15 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.15 С. Мулхалков. «Мен ҳам кичик бўлганман». 13.10 «Революция поэмалари». Фильм-концерт. 13.55 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 14.55 «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун». 15.25 «Даймоҳ». Фильм-концерт. 15.55 «Вилсандидаги уя». Ҳужжатли фильм. 16.15 «Салом, цирк». Фильм-концерт. 17.15 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

17.30 А. Н. Островский. Н. Я. Соловьёв. «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Дюймчахон». 1-кўрсатув. 21.30 «Время». 22.05 «Тушунишни истайман». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 Ака-ука Боймуродовлар концерти (такрорий). 11.35 «Қиш ва Икки портфель». Бадиий фильм. 12.50 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. 13.20 «Инсон болалигдан бошланади» (рус). 13.50 «Ҳужжатли кино экрани». 14.40 «Ленин комсомоли номли Москва Давлат театри — бизнинг меҳмонимиз». 15.40 Танкчилар кунига. Ҳужжатли фильмлар программаси.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун. «Юлдузча». 18.50 «Чет эллик меҳмонлар Узбекистон ҳақида» (рус). 19.15 «Ахборот» рус). 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади, Танаффус пайтида — «Ахборот». 21.15 «Тошдаги камалак». Телефильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Эртага — премьера». Киноқўрсатув. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ситорача». Октябрятлар учун программа. 18.35 «Мўъжизалар кони». Фильм-концерт. 19.05 «Ахбор». 20.30 Тожикистонда Узбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларига. Узбекистон телевиденисининг программаси. 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

13 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

ТАНКЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Заряднага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 П. Бомарше. «Бемаъни кун ёки Фигаронинг ўйланиши». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.

17.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.20 «38 та тўтиқуш». Мультфильм. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Бугун — Танкчилар куни». Курукликдаги қўшинлар Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали В. И. Петров сўзи. 19.30 Танкчилар кунига бағишланган концерт. 20.10 Экранда кинокомедия. «Музикали қоқоа». 21.30 «Время». 22.05 «Футбол шарҳи». 22.35 «Л. Ветховеннинг 9 та симфонияси». 23.25 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 10.35 «Ҳайвонот оламида». 11.35 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. «Сирница» (Болгария Халқ Республикаси). 12.05 Спорт программаси: Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Францидан олиб кўрсатилади 12.40 «Стахановчилар». Телевизион очерк. 13.25 «Шарқнинг отти ғўзали». Фильм-концерт (Тошкент). 13.45 Болалар учун фильм. «Шимол ёғдусини ёқинг». 15.00 «Китоблар сафҳати». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 СССР халқ артисти Е. Нестеренко ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. 16.15 Останкино концерт студиясида юмор кечаси.

17.35 «Илк қувончлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 18.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.30 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 20.00 «Жасорат». Совет гвардиясининг 40 йиллигига. 20.30 «Бу ажойиб олам...» СССР халқ артисти Н. Тимофеевна иштирокида фильм-концерт. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар». «Дюймчахон». 2-кўрсатув. 21.30 «Время». 22.05 «Тўрғай». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Москва Давлат муз устида балети» (программа такрорланади). 12.30 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув. 13.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Пионерлар ўлида». 13.50 Адабий театр М. Қаноат. «Мен — Тожикистон». 14.30 «Ватанимизнинг пўлат қалқони». Танкчилар кунига бағишланган кўрсатув, 15.00 «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун». 15.40 Реклама. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мактаб ўқувчилари ва ҳунар-техника таълими ўқувчилари XVI Бутуниттифоқ спартакиадасининг якунларига бағишланган спорт байрами. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчаларга». 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс ғулшанида». Малика Аҳмедова рақсга тушади. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Пахта йиғим-терими мавсуми давом этмоқда». 22.25 «Уч плюс иккиз». Кинокомедия (рус). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Болалар учун мультфильмлар. 16.30 Танкчилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 17.50 Эстрада концерти Е. Головин куйлайди. 18.15 Балиқли ҳавзаларнинг муаммолари. «Халқ фаровонлиги учун». 18.40 «Нафосат». Фильм-концерт. 18.55 К. Малеков. «Осмонқўл». Қирғизистон Давлат академик драма театрининг спектакли (қирғиз тилида). 20.55 Ипподромда мотоцикл пойгаси бўйича СССР чемпионати. 21.30 Марказий телевиденининг IV программаси.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IX да Ун учинчи раис, 6/IX да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IX да Гулсара.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИНИНГ ҳайрлашув гастроллари.

КИНО

5 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — Дружба.

«МОСКВА, СЕНИНГ ТЕЛЕФОНИНГ» — Қозоғистон.

«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧБОРА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (тоқ соатларда).

«МИЛЛИАРДЕР КИМ?» — Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (тоқ соатларда).

«ОРИОН СИРТМОҒИ» — Лисунов номли (жуфт соатларда).

«ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР» — Искра (16, 18, 20.00).

6 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОРЗУ ҚИЛМОҚ КЕРАК» — Лисунов номли.

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — Дружба.

«МОСКВА, СЕНИНГ ТЕЛЕФОНИНГ» — Қозоғистон.

«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧБОРА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда).

«МИЛЛИАРДЕР КИМ?» — Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги ном. ли (тоқ соатларда).

«ОРИОН СИРТМОҒИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР» — Искра (16, 18, 20.00).

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1982 йил учун ГЕЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ИДОРАЛАРДАН ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: «ПЛАКАТ» нашриётининг нашрларига обуна даврий нашрларга обуна учун корхонада ажратилган маблағ ҳисобига лимитдан ташқари қабул қилинади.

ИДОРАЛАРДАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 15 СЕНТЯБРДА ТУҲТАТИЛАДИ.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ТАНЛАГАНИНГИЗНИ ОЛАСИЗ

ҲА, «ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 40«В»-УЙИНИНГ БИРИНЧИ ҚАВАТИДА ЖОЙЛАШГАН

38-ҚАБУЛ ПУНКТИДА

Саф тортиб турган пойабзаллар намунасидан танлаган пойабзалингизни олишингиз мумкин.

Пойабзаллар фасонининг нақадар хилма-хиллиги ҳар қандай ёшдаги, диддаги кишилар талабига мос келади, шунингдек, ҳозирги замон модасида тикилган.

Салонда оёғингиз размерини ўлчаб олишади ва сизга ёққан моделда пойабзалга буюртма қабул қилишади.

Тайёрлаш муддати — кўпи билан 20 кун.

Сиз шу пунктнинг ўзидан тайёр пойабзалларни олишингиз мумкин. (Ортопедия пойабзалларини тайёрлаб бериш учун буюртма қабул қилинмайди).

САЛОНИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

5 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.20 «Инқин Шарқ: иэтироф, ташвиш, умид». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.05 «1981 йил кў